



## ЎЗАРО ИШОНЧ — МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг таклифига биноан 27-29 май кунлари давлат ташири билан Корея Республикасида бўлди.

Таширнинг асосий расмий тадбирлари 28 май куни бўлиб ўтди.

Президентлар аввал тор доирада, сўнгра кенгайтирилган таркибда очилиш, ўзаро ишонч ва амалий руҳда ўтган музокаралар чоғида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик масалаларини муҳокама этдилар.

Корея Республикаси томони Ислам Каримов Ўзбекистон Президенти этиб қайта сайланганидан кейин давлат ташири билан биринчи бўлиб Жанубий Кореяга келгани учун самимий миннатдорлик билдирди. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги серқирра ҳамкорлик кўлами ва уни янада кенгайтириш истиқболларидан, шунингдек, Ўзбекистон кўп томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришга катта аҳамият қаратаётганидан далолатдир.

Томонлар ушбу ташир олий даражадаги анъанавий мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлганини ва ҳамкорликнинг барча йўналишлари бўйича ўзаро ҳамжиҳатликка янада катта аҳамият бериш борасида икки мамлакатнинг сиёсий хоҳиш-иродасини намойён қилганини, бу халқларимиз манфаатларига мос эканини таъкидлади.

Президентлар ўзаро ишонч — мустаҳкам ҳамкорликнинг энг муҳим омили эканини алоҳида қайд этдилар.

Самарали ва амалий руҳда ўтган музокаралар ўзаро ҳамкорликнинг барча йўналишлари, шунингдек, муҳокама этилган минтақавий ва халқаро сиёсий муаммолар бўйича позиция ва ёндашувлар яқинлигини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Корея Республикасининг Корея яриморли ва умуман, минтақада тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасидаги ҳар томонлама чуқур ўйланган, тинчликпарвар ва вазмин таъкидоти кўлаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Корея Республикаси Президенти томонидан ўтган йили Дрезден шаҳрида илгари сурилган икки Корея давлати ўртасидаги муносабатларни яхшилаш ҳамда Корея яриморлининг ядро қуролидан холи макомини таъминлашга қаратилган изчил ва прагматик «Тинчлик йўли билан бирлашиш ташаббуси»ни маъқуллайди.

Глобаллашув асрида барча давлатларнинг бир-бирига боғлиқлиги инobatта олинган ҳолда, томонлар Жанубий Корея раҳбарияти илгари сурган «Евроосиё ташаббуси» долзарблигини қайд этди ва ушбу ташаббусни қадимий Буюк Ипак йўлини замонавий шароитларда қайта тиклашга қўшилган муҳим ҳисса сифатида эътироф этди.

зиёдни ташкил этаётгани таъкидлаш лойиқдир.

Жанубий Корея Президенти мамлакатларимиз иқтисодий тармоқлари, хусусан, машина-созлик, автомобилсозлик, электротехника, ахборот-коммуникация технологиялари, тўқимачилик, фармацевтика, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва бошқа кўлаб соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш учун катта имкониятларга эга эканини таъкидлади.

Пак Кин Хэ Корея Республикаси ҳукумати Ўзбекистонда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда Жанубий Корея компаниялари иштирокини ҳар томонлама рағбатлантиришни қайд этди.

Томонлар товар айирбошлаш ҳажми барқарор юксалиб бораётгани ва сўнгги йилларда бу кўрсаткич мунтазам 2 миллиард АҚШ долларидан ошаётганини таъкидлади. Шу муносабат билан Жанубий Корея томони Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида Корея Республикаси бизнесининг йирик савдо-инвестиция шериги ҳисобланишини қайд этди. Ўзбекистон томони, аввало, Жанубий Кореяда ишлаб чиқаришга қўйилган замонавий юқори технологияларни жалб этиш тарафдори эканини алоҳида таъкидлади.

Музокаралар якунида Президентлар барча йўналишлардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболлари белгилаб берилган Кўшма декларацияни имзоладилар.

Умуман, ташир доирасида ва бўлиб ўтган Ўзбекистон — Корея бизнес-форуми якунлари бўйича 60 битим ва шартнома имзоланди. Уларнинг 55 таси савдо-иқтисодий, инвестиция ва молиявий-техник ҳамкорлик соҳасига тааллуқлидир. Инвестициявий ҳамкорлик соҳасида 34 битим, жумладан, нефть-кимё ва кимё соҳасида 5 лойиҳа, автомобиль саноатида 9, электротехника соҳасида 5 лойиҳа имзоланди. Ушбу битимлар углеводородларни чуқур қайта ишлаш, метанол ва олефин олиш учун табиий газни қайта ишлаш бўйича энг замонавий технологияларни жорий қилиш, азот кислотасини ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уч русумдаги машхур янги замонавий автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги авлод автомобиль двигателлари, трансмиссиялари ва бутловчи қисмлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, замонавий маиший электротехника буюмлари ишлаб чиқариш бўйича истиқболли лойиҳаларни қамраб олган.

Фармацевтика соҳасида имзоланган 7 лойиҳада онкология, эндокрин, офтальмология, нафас олиш органлари ва овқат ҳазм қилиш тизими касалликларини даволаш учун препаратлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Фармацевтика соҳасида имзоланган 7 лойиҳада онкология, эндокрин, офтальмология, нафас олиш органлари ва овқат ҳазм қилиш тизими касалликларини даволаш учун препаратлар ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

▶ Давоми 2-бетда.

## ■ ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА



## Учрашувлар фикр-мулоҳазалар, таклифларга бой тарзда ўтди

— Сайловдан бери беш ой вақт ўтди. Бугун сизлар билан депутат сифатида учрашиб турганимдан хурсандман. Мамлакатимиз парламентида сизларнинг вакилингиз сифатида фаолият юритиш, мен учун катта шараф. Шу билан бирга, зиммадаги масъулият қанчалик улкан эканини ҳам ҳис этияман, ишончингизни оқлашга ҳаракат қиламан...

### ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

30 — Дўстлик сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зулайхо Ақромова Мирзачўл туманидаги сайловчилар билан учрашувни шу тарзда бошлади.

Сўнгра депутат ЎзХДП Сайловолди дастурида белгиланган вазифалар, қонун ижодкорлиги, амалдаги қонунлар ижросини таъминлаш, парламент ва жамоатчилик назорати, маҳаллий

Кенгашлардаги депутатлик бирлашмалари билан Олий Мажлис қўйи палатасидаги партия фракцияси ҳамкорлигини кучайтириш, фуқароларга яратилаётган имкониятлар ҳамда улардан оқилон фойдаланиш масалалари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Учрашувда туманда истиқомат қилаётган 45 минг нафардан ортиқ аҳолининг 26 минг нафарга яқини ижтимоий фаол, яъни меҳнатга лаёқатли экани, вақтинча ишсиз кишиларнинг бандлигини таъмин-

лаш, ҳудудда янги иш ўринлари яратиш долзарб масала бўлиб тургани таъкидланди. Қилинаётган амалий ва эзгу ишлар алоҳида эътироф этилди. Шу билан бирга, бугунги кунда туманда режалаштирилган айрим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича муаммолар ҳам юзага келаётгани, натижада қўшимча иш ўринлари яратиш билан боғлиқ савий-ҳаракатлар қўтилганидай натижалар берилаётганига ҳам эътибор қаратилди.

2

Аҳоли бандлиги соҳасидаги сиёсатни такомиллаштиришнинг устувор йўналиши банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини корхоналарда муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари билан самарали таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим.

ЎзХДП Сайловолди дастуридан.

## ! ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ ТАҲРИРИЯТИМИЗНИНГ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИДА

## Лавозимига, ишига тикланди

Самарқанд шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро М.Ҳосилова тахририятимизга ёзган шикоят хатида у ноҳақ ишдан бўшатишга баён қилинган эди. Ариза кўриб чиқиш учун Соғлиқни сақлаш вазирлиги эътиборига ҳавола этилган. Мазкур ариза юзасидан вазирликдан олинган жавоб мактубида, жумладан, шундай дейилган:

«Хизмат текшируви жараёнида ҳақиқатан ҳам М.Ҳосилова билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқда юридик нуктаи назардан хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди ва шунга асосан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 21.05.2015 йилдаги №203 рақамли буйруғига асосан М.Ҳосилова билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруқ бекор қилинди.

Ҳозирги кунда М.Ҳосилова Самарқанд шаҳри 1-сон болалар шифохонасида бош шифокорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари лавозимда фаолият кўрсатаётганлигини маълум қиламиз.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Кадрлар билан ишлаш  
бошқармаси бошлиғи  
Т.ҲАКИМОВ

Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманида истиқомат қилувчи фуқаро А.Дадажоновнинг тахририятимизга йўллаган аризасида у сабабсиз ишдан бўшатишга ҳақида шикоят қилинган эди. Мазкур мурожаат ўрганиб чиқиш учун Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясига юборилган. Яқинда жавоб мактуби олинди. Унда, жумладан, шундай дейилди:


«Аниқланишича, Фарғона компьютер технологиялари коллежининг 2015 йил 15 апрелдаги 62-к-сонли буйруғи билан компьютер оператори вазифасида ишловчи А.Дадажонов билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 2-бандига асосан бекор қилиниб, амалдаги қонун талаблари бузилишига йўл қўйилган.

Фарғона вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ва вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий му-

ҳофаза қилиш бош бошқармасининг ара-лашуви билан иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги буйруғи бекор қилиниб, А.Дадажонов аввалги ишига тикланган ҳамда унга мажбурий прогул учун иш ҳақи ундириб берилган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши  
Раиси ўринбосари  
Б.МАҲМАДАЛИЕВ

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАР КУНИ БОЛАЛАР ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ



Болалар учун спорт иншоотлари, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, мусиқа ва санъат даргоҳлари қурилмоқда.

Болалар сиҳат-саломатлигини сақлаш йўлида шифохоналар, туғруқхоналар, санаторийлар, қишлоқ врачлик пунктлари бунёд этилмоқда. Доимий равишда тиббий кўриклар, «Саломатлик поездлари» ташкил этилмоқда.

Болалар боғлари яратилмоқда. Бутун мамлакат бўйлаб истироҳат боғлари қайтадан барпо қилинмоқда. Уларда, энг аввало, болалар учун шарт-шароитлар яратишга эътибор қаратилмоқда.

Болалар учун миллионлаб нусхада китоблар, газета ва журналлар чоп этилмоқда, болалар театрлари фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда Болалар, Болалик ҳар дақиқада, ҳар кун ҳимоя қилинади, ёзозланади, қадрланади. Ўзбекистонда бугун дунёдаги энг бахтли болалар яшамокда, улғаймоқда, буюк манзиллар томон интилоқда.

## ■ ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

## КИТОБЛАР ҚАЛБНИ ЁРИТАДИ, ИНСОННИ ЮКСАКЛИККА КЎТАРАДИ

Ўзбекистонда ўтказилаётган китоб байрамлари халқимизнинг маънавияти, маърифати, тафаккури юксаклигини намоён этмоқда

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бир қатор вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келахатга эътибор» шiori остида анъанавий «Китоб байрами»ни ўтказмоқда. 28-30 май кунлари мўлжалланган байрам тадбирлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда кўтаринки руҳда давом этмоқда.



4





# КИТОБЛАР ҚАЛБНИ ЁРИТАДИ, ИНСОННИ ЮКСАКЛИККА КЎТАРАДИ

Ўзбекистонда ўтказилаётган китоб байрамлари халқимизнинг маънавияти, маърифати, тафаккури юксаклигини намойиш этмоқда



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

2015 йил 28 май. Пойтахтимизнинг Фафур Улом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Китоб байрами»нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. — Хонадонларимизда азал-азалдан энг азиз нарса сифатида китоблар сақланган, — дейди Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Омонулло Юнусов. — Китоб ўқиган, китобга меҳр қўйган, уни тарғибот қилган инсонлар жамиятининг энг обрўли, зиёли одамлари ҳисобланган. Биз чоп этилаётган китобларни тўғри тарғибот қилсак, энг олис туманларгача етиб боришини таъминласак, ишонаманки, нашриётлар халқимизга китоб етказиб беролмай қолади. Китоб байрамидан кўзланган асосий мақсад маънавият, маърифат туйғуларини ёшларимиз қалбига синдириш, уларда китобга, адабиётга меҳр-муҳаббат уйғотишдир. Чунки китоб ўқиган, унга ошно бўлган инсондан ёмонлик чиқмайди. Аксинча, унда халқ фаровонлиги, мамлакат тарқиёти билан боғлиқ янги гоялар шаклланади. Мамлакатимизда 2015 йил 1 май ҳолатига кўра, 110 та нашриёт, 1650 та матбаа корхонаси

давлат рўйхатидан ўтказилган. Нашриётлар томонидан ҳар йили 3 минг номдан зиёд, умумий адади 45 миллион нусхадан ортиқ китоб нашр этилмоқда. Тошкентда ўтаётган тадбирда 100 га яқин нашриёт, матбаа корхоналари ва китоб савдоси ташкилотлари ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда. — Яқинда мустақиллигимизнинг 24 йиллигини нишонлаймиз, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Сайид. — Ўтган вақт мобайлида нашр этилган китобларга қараб ҳар қандай одамнинг ҳаваси келади. Аънавий тарзда ўтказиб келинган китоб байрами ёшларимиз, умуман, халқимиз маънавиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Сўнгги вақтларда нашриётларимиз томонидан чоп этилаётган китобларда мазмун жиҳатдан ҳам, дизайн борасида ҳам ўсиш борилиги кўриниб турибди. Улар халқаро танловларда ҳам мубаффақиятли иштирок этмоқда. Ўнг асосийси, чоп этилаётган китобларни ўқиб истигадиги ёшларимиз кўп. Мен бугунги байрам билан барчани табриқлайман.

— Китоб ўқиган, китобга меҳр қўйган, уни тарғибот қилган инсонлар жамиятининг энг обрўли, зиёли одамлари ҳисобланган.

— Доно халқимиз айтганидек, бу дунёда инсон учун китобдан яхшироқ дўст йўқ, — дейди Ўзбекистон журналистлари ижодий уюشمаси раиси Иброҳим Ҳалимбеков. — Президентимиз одамларга маънавият, зиё улашган инсондан кўра кўпроқ савоб иш қиладиган киши бўлмаса керак деганди. Бу гап бугунги байрамда ўз китоб маҳсулотлари билан иштирок этётган барча нашриёт ходимларига

тегишли. Турли байрамларда, тўйларда, туғилган кунларда бир-биримизга китоб совға қилиш энг хайрли ва саодатли ишлардан биридир. — Халқимизда байрамлар байрамларга улансин деган гап бор, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Эркин Малик. — Мазкур китоб байрами учинчи марта ўтказилди. Унинг ёнига ўтган йили сентябрь ойидан йўлга қўйилган болалар китоб байрами ҳам қўшилди. Бу китобга бўлган эътибор юксалаётганини билдиради. Ўтказилаётган китоб байрами ҳар бир нашриёт учун ўзига хос ҳисобот вазифасини ҳам ўтайди. Қилинган ишларни намойиш этиш, янги китоблар чоп этишга буюртма олиш учун аҳолиб имконият. Бугун кўпга ёзувчи-шоирларимиз шу ерда. Қузатдим, уларнинг китобини харид қилган ёшлар дастхат ёздириб олишмоқда, ўз фикрини билдирмоқда. Мазкур тадбир ўқувчини ижод аҳлига яқинлаштириши билан ҳам аҳамиятлидир.

— Китоб байрамдаги иштирок орқали биз ўқувчи билан юзма-юз суҳбатлашиб, улар ўқини истаётган китоблар қайси эканлигини билиш имконига эга бўламиз, — дейди «Akademash» нашриёти директори Санжар Назаров. — Сўнгги вақтларда китоб чоп этишда сонга эмас, сифатга эътибор кўчаётганда, 2015 йилнинг шу даврига қадар 50 дан ортиқ китоб нашр этдик. Биз ҳар бир китобнинг нафақат мазмун яхши бўлиши, балки кўриниши ҳам ўқувчини ўзига жалб этишига ҳаракат қиламиз. Чунки китобхон, аввало, ташки кўринишга қараб китоб танлайди. Варақлаб кўрганида мазмун маъқул келса, уни харид қилади.

— Расул Ҳамзатовнинг бир гапи бор: «Олам иккига бўлинади. Китобгача бўлган ва китобдан кейинги давр», — дейди «Davf Press» нашриёти бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Асрор Мўмин. — Китобгача бўлган давр тун деб қаралади. Унда нима воқеалар бўлгани бизга қоронғу. Китобдан кейинги давр кун бўлиб, унинг қандай бўлгани ҳаммамизга маълум. Шу жиҳатдан

олиб қарасак, бугун республикамиз бўйлаб ўтказилаётган китоб байрамнинг аҳамияти юқори. — Бугунги байрамга ўз ўқувчиларим билан келдим, — дейди Тошкент шаҳридаги 300-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Шоҳида Сафарбоева. — Улар китобларни қизиқиб томоша қилишди, ўзларига ёқганини харид қилишди. Мана, ўқувчилар учун ёзги таътил ҳам бошланай деб қолди. Бугун харид қилинган китобларни болалар ёз бўйи ўқини истаиман. Бутунжаҳон китоблар кўни, бутунжаҳон болалари китоби кўни дунё бўйлаб нишонланади. Юртимизда ҳам бу каби байрамлар ўтказилаётгани халқимиз маънавиятини юксалтиришга катта эътибор берилганидан дарак беради. — Менга эртак китоблар ўқиб ёқди, — дейди Тошкент шаҳридаги 300-умумтаълим мактаби ўқувчиси Муниса Ҳўжаева. — Муҳам-

Бизнинг болалик пайтимизда бунақа байрамлар, бунақа шодиёналар бўлган эмас. Китобларнинг муқовасига қаранг, бир-бирдан чиройли. Юртимизда тайёрланган китоблар халқаро танловларда ҳам муносиб қатнашиб келаётганини айтишди. Буларнинг ҳаммаси мустақиллик берган имконият. Бу кунларни қадрлашимиз, шукронасини қилишимиз зарур. — Икки нафар ўғлимни китоб байрамига олиб келдим, — дейди уй бекаси Шаҳноза Эрматова. — Фарзандларим китоб ўқиганига жуда қизиқади. Уларга ўзлари ёқтирган китобларни олиб бердим. Ўзим учун ҳам китоблар харид қилдим. Биз ота-оналар фарзандларимиз савол берганида билмайман дейишга ҳақимиз йўқ. Шу сабабли ўзимиз ҳам доим китоб ўқиб боришимиз зарур. — Мен энциклопедиялар ўқиганига қизиқман, — дейди Тошкент шаҳридаги 34-умумтаълим мактаби ўқув-



мад Юсуфнинг кўп шеърларини ёдлаганман. Ўзим ҳам шеър ёзишга қизиқман. Ёзувчиларимиздан Худойберди Тўтабоевнинг асарларини севиб ўқийман. Севишли фаним математика. Шу сабабли «Қизқарли математика» китобини сотиб олдим. Энди таътил давомида уни ўқиб чиқаман.

— Набираларим билан китоб байрамини томоша қилиш, китоб сотиб олиш учун бу ерга келдик, — дейди меҳнат фариши Кўчкор Эшонқулов. — Ҳозир атрофни кузатиб бугунги ёшларга ҳавасим келаяпти.

Темур АЪЗАМ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида музейларнинг ўрни, аҳамияти беқиёс.

## Музейлар эшиги болалар учун очик

Президентимиз томонидан 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорда ёшлар тарбиясида музейларнинг



аҳамиятини янада кучайтириш юзасидан бир қатор муҳим вазифалар белгиланган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 11 июлдаги «Давлат музейларининг болалар ва уларнинг ота-оналарига очилиш шартини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари ёшларнинг, хусусан, мактаб ва коллеж ўқувчиларининг юртимиздаги барча музейларга бепул кириши йўлга қўйилган. Имконияти чекланган мактаб-интернат ўқувчилари учун ҳам бир қатор имтиёزلар яратилган.

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куниди мамлакатимиздаги барча музейларга кириш болалар учун бепулдир.

Дилноза АЗИЗОВА, Темурйиллар тарихи давлат музейи бош мутахассиси.

| ОБ-ҲАВО                                        | 30-31.05 — 2015     |
|------------------------------------------------|---------------------|
| Юртимиз бўйлаб (°C)                            |                     |
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +18 / +23 +35 / +40 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари                    | +18 / +23 +35 / +40 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари | +15 / +20 +32 / +37 |
| Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари               | +20 / +25 +35 / +40 |
| Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари          | +15 / +20 +30 / +35 |
| Тошкент шаҳри                                  | +18 / +20 +32 / +34 |



## ЭЪЛОН

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!!!

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши

Ўз биносида сплит тизим турдаги кондиционерларни сотиб олиш ва ўрнатиш учун танлов эълон қилади.

Танлов асосида қуйидаги кондиционерлар сотиб олинади: — Девоорга осиладиган 9лик кондиционерлар — 23 донга; — мажлислар зали учун ус-тунли (колонна) туридаги 2 донга кондиционер.

Корхона ва ташкилотлар ўз тижорат тақлифларини 2015 йил 15 июнга қадар қуйидаги манзилга юборишлари лозим:

100029 Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3 тел, (99871) 239-18-49, 239-83-12, факс, (99871) 239-13-20.

«Ўзбекчармпоёбзали» уюشمаси жамоаси уюшмаларни бошқарув раиси Искандархон АТАХОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDULLAYEV



1 2 4 5 6

MUASSIS:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV Hotamjon KETMONOV Ulug'bek VAFOYEV Rustam KAMILOV Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek MUSTAFOYEV Muslihidin MUHIDDINOV Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari) Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56 E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq: nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 559 17968 nuxxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 01.15 Topshilgan vaqti — 02.40

Sotuvda kelishilgan narxda